

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 76 (65952)
1996 йил, 16 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда



Оқ олтин – 96

ПАХТАЛАР ЧАМАН - ЧАМАН

Мактабдан келиб, тушлик қилаётган Уткирни дарвозадан кимдир чақириб қолди. Чиқиб қараса, дусти Дилшод.

— Юр, бизнинга, бирга овқатланамиз, — уйга таклиф қилди уни Уткир.

— Йук, болалар кутиб қолишиди, қолганини паҳтазорда еймиз, бирор егулик олгин-да, орқамдан тез етиб бор, — деда чопиб кетди Дилшод. Уткир ҳам кўп утмай, дустининг ортидан юргурди. Бувижониси Солия хола набирасини орқасидан «ҳай-ҳай»лаганича қолаверди.

Уткир, Дилшод, Азизбеку Анварлар паҳтазорга етиб келганларида кун пешиндан оқкан эди. Ҳар кунгидек уз ёрдамчиларини кутаётган Сайера, Ҳабиба, Мукаррам, Роҳила опалар фарзандларини узоқдан таниб, ёнларига чақирипди. Терган паҳталарни хирмонга олиб чиқиш, йул буйларига, кучаларга тукилганларини териш шу 5-сиф үкувчилари зиммасида.

Улар Андикон вилояти, Балиқчи туманидаги Турғунбой Юсупов номли 5-урта мактабда ўқишиди.

Дарс тугади дегунча, паҳтазорга ошиқиб, 25-30 килограммдан паҳта тераётган синффошлар чиндан ҳам ганимат кундан марҳамат кутаяптилар.

Пахта — бойлик, паҳта — юрт ободлиги, ахир!

Нилуфар ДАВИДОВА.



Бизга ёзадилар

«ЖАҲОНГИР» НОМИНИ ОҚЛАДИ

11-«А» синф үкувчилари галабага умид қилиб, гурухларининг номини «Жаҳонгир» деб аташганди. Ахир жаҳонгир сўзининг маъноси голиб, енгилмас, маглубият нималигини билмайди, дегани-да! Шундай булиб чиқди ҳам. Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига оид 11-синфлар орасида булиб утган беллашувда голиблик «Жаҳонгир»га насиб этди. Гуруҳ аъзоларининг билимдону зукколиклари кўл келди. Айниқса, эркин мавзудаги соҳибқирон ва унинг сулоласи вакиллари ҳақидаги «Рӯҳлар билан сұхбат» деб номланган саҳна кўринини ҳаммага манзур бўлди. А. Темур сиймосини гавдалантирган Ш. Тулеобеининг маҳоратини ҳатто рақиб гурух аъзолари ҳам олқишлиши.

Кече сўнгидаги тарих фани ўқитувчимиз Д. Раҳимова биринчи галда албатта голиб чиқсан гурух аъзоларини, қолаверса, беллашув иштирокчиларининг барчасини самимий кутлади, совға-саломлар улашиди.

— Беллашувдаги галабамиз, айло ўқишимиз — бобомиз туйига тўёнамиз бўлсин! — дейишипти «Жаҳонгир»чилар.

Зиёда МАМАЖНОВА,
Наманган вилояти, Косонсой тумани,
Ҳ. Олимжон номли 28-мактаб ўқувчиси.

ГУЛЛАР БАЙРАМИ БЎЛДИ

Насиба бугун мактабга ҳар кунгидан барвақтроқ отланди. Узи парваришиётган гуллари орасидан энг чиройлигини танлаб олди-да, мактабларида буладиган «Гуллар байрами»га ошиқди. Бир кулида папкаси, иккинчи қулида каттакон тувақдаги гули. Кучада кетепти-ю ҳамманинг кузи унда. Катталар завқланиб: «Мунча чиройли гул экан-а, номи нима бу гулнинг?» дега ҳайратланишса, жажжи болакайлар ҳам кузлари кувнаб, беихтиёр қўл чузишиди...

Мактабга кираверишида уни кутиб турган дугоналарига қушилиб, байрам утадиган хонага киришиди. Ранго-ранг гуллар кўзни қамаштиради. Томошабинларнинг кўплигини айтмайсизми? Курикда 125 нафар үкувчи ажойиб гуллари билан иштирок этишиди. 40 турдан зиёд гуллар куригида Насиба Ниёзқуловна, Феруза Ҳамроева, Нигора Чорисваларнинг гуллари энг яхши деб топилди. Мактаб директори К. Рустамов голиб қизларни қимматбахо совгалар билан тақдирлади.

Файзулла ЭШҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов
туманидаги С. Раҳимов номли мактаб.



СИРДАРЁДАН ХУШХАБАР КЕЛДИ

Газетамизнинг сирдарёлик жамоатчи муҳбири Холмурод ака Тошмуҳамедов муҳарририятимизга қувончли хабар билан кириб келдилар. Қўлларида бир даста суратлар.

— Бусуратли лавҳаларни Сирдарё туманининг Синдаробод жамоа ҳўжалиги, Паҳтакор булимининг 3-бригадаси далаларидан олдим, — дедилар улар суратларига изоҳ бериб. Эта.. этак паҳта териб, ота-оналарига кўмаклашаётган бу угил-қизилар тумандаги Ломоносов номли мактабни гююқори синф үкувчилари экан. Айниқса, Ҳаҷа Абдураҳимова, Наргиза Ҳидирова, Моҳида Сотимова, Сайера Нурматоловлар гайратлари ўрнак бўларли. Улар кунига 120-150 килограмм-

мга етказиб паҳта теришаётган экан. Уларга бошчиллик қилаётган Сайфулло Алимовнинг ҳиммати ҳақида алоҳида тўхтамоқчи эдим. Бу илгор бригадир нафақат меҳнатда, республика мизда давом этаётган обуна мавсумини ташкиллашириша ҳам фаоллардан экан.

— Ёшлигимни, болалик йилларимни «Ленин учқуни» (хозирги «Тонг ўлдузи») сиз тасаввур қила олмайман, — деди Сайфулло биз билан сұхбатда. — Унинг ҳар бир сонини интиқутардик, болалар ҳаётига оид мақола ва хабарларни, ҳикоя, шеър ва топшишмоқларни қўлмақул қилиб ўқирдик. уни ўқиб улгайдик, камол топдик. Ўғил-қизиларимизнинг ҳам маънавий

баркамол, ўқимишли булиб улгайишларини истайман. Китоб ўқиётган, газета, журнал ва рақлаётган болаларни кўрсам, дил-дилимдан қувониб кетаман...

Шу куни илгор бригадир 100 нафар үкувчини, шунингдек, уз фарзандларини ҳам «Тонг ўлдузи» га обуна қилдирди...

Холмурод ака келтирган хушхабардан қувонмай буладими ахир?! Паҳта далаларида юриб ҳам фарзандларимиз маънавияти ҳақида қайтураёттан Сайфулло ака сингари фидойи инсонлар республикамида кўплаб топилишига аминмиз. Улар ҳақида бизга ёзинг, хабар беринг. Биз эса бундай хушхабарларни газетамиз саҳифаларида бажонидил эълон киламиз.

ИШТАХАМ ОЧИЛГАНДА

Лолаҳоннинг опаси,
Олма берди учтадан.
Еганимиз ҳисобласак,
Чиқди денг...
үн учтадан.
Учтаданинни едик биз,
Олма турган хонада.
Ўнгаданинни ҳеч кимса,
Курмайдиган панада.

ҒҮНАН ВА ТУЛКИ

(Рақамли шеър)

10ғор тог этагида
Бес 10ақай 1ғ 10ан,
Учрашиб қолибди денг
Муғом 1 тулки билан.
Т10кадайнин кўриниб,
Бўлиб ҳаммага қулги,
Қ10жи қалин к10 этик

Кийиб олганниш тулки.

- Жўжа 1дай жонман, деб
Гап бошлабди у бе100.
- Қ10оқ бўлсам дегандим,
Сенга келгунича куз...
- Л10дагина бўлибди
- F10ан полвоннинг сўзи:
— Сен билан
- дўстлашганинг,
- Чиқкан доимо кўзи.
- Ликиллатиб думингни
- X10грайверма, эй нодон,
- F10анлар тулкиларга
- Эл бўлмаган ҳеч қачон!

Қиссадан ҳисса шулки,
Содик бўл лафз, сўзингни
Тили билан дили бир,
Дўст ортиргин ўзингта!

**Абдураҳмон АКБАР,
Усмон Носир муроҷоти
совриндори.**

Ҳозир исмими хотирлай ол-
майдиганим усмонли амалдор-
лардан бир зот Истамбулнинг
Онадўли атрофида, Аранқўй
тарафида Жомеъи шариф қур-
дираётганилиги учун ҳар куни

Ҳикматлар хазинаси

са, гайрати, меҳнати ва инти-
лиши ҳам шу йулда бўлади.

— Бошини нима қилдинг?
деди.

Хизматкор:

— Афанди нима қилас

ЧУМОЛИНИ ҚУТКАРДИ

оқшомда саройдан чиқиб, қу-
рилиш қандай бораётганини
назорат қилгани бораради.

Бир оқшом ҳар сафаридек
курилишни назорат қилгани
келди. Қараса, оҳак сўндири-
лаётган чуқурга тушиб кетган
чумоли қайтиб чиқа олмаяп-
ти. Ул зот ҳассасини узатиб,
чумолини чиқарди-да, саройга
қайтиб кетди.

Шу кечаси ул зот туш кўр-
ди. Тушида бу сўзларни эшит-
ди: «Бугун чумолига қилган
раҳмидиллигинг учун гуноҳла-
рингни авф этдим, жанна-
тимга киришга ҳақли бўлди-
нг.»

ИЗОХ ВА ЎГИТ

Агар муминнинг нияти
хайрли бўлса, унинг оқибати
ҳам хайрли бўлади. Инсонни-
нинг орзу-умиди Жаноби Ҳақ-
нинг ризосини қозониш бўл-

Куриб турибсизки, Аллоҳни-
нг розилиги, ризоси гўё кич-
кинагина иш билан қозони-
лади. Бунинг учун Аллоҳ би-
рор баҳона, сабаб яратади,
инсон уни адо этади. Булар-
нинг ҳаммаси Аллоҳнинг глут-
фидир.

БАХИЛЛИК

Бир баҳил кишининг уйи-
га бир неча яқин дўстлари
меҳмон бўлиб келди. У баҳил
меҳмонларнинг зиёфат қи-
лиш ўрнига бехуда сўзларни
сўзлаб утириди. Орадан кўп
вақт ўтгандан кейин хизмат-
корни чақириб:

— Бор, таом пишган бўлса,
олиб кел! - деди.

Шу вақт хизматкор бир
товоқ устида пишган хўрзни
олиб келган замон, баҳил хиз-
маткорга қараб:

эдим, ташладим.

Бахил: - Нодон! Киши хў-
рознинг бошини ҳам таш-
лайдими? Агар бир киши то-
вукнинг оғенини ташласа, мен
бориб олар эдим.

Бош деган аъзоларнинг хў-
жасидир. У боши билан қандай
яхши қичқирап эди. Маржон
каби тожи бошида эди. Энг ширип
аъзоларидан санаған тили, энг улуг аъзо-
ларидан мияси, икки шаҳло
кўзлари барчаси бошида эди. Бор, топиб кел! Биз емасак,
мехмонларга едиurmiz де-
ди.

Курдингизми, бу баҳил ки-
ши ҳеч нарсага арзимайдиган
бир хўрз бошидан бир неча
хосиятлар баён қилиб, узининг
қандай киши эканлигини
бидирди.

Момақалдироқни ТуШ%ЛДАн

Нега энди уни кўзбойлогич син-
гари олқишиламаймиз?

Сиз тогли жойларда кўплаб
тошларни учратасиз. Геологлар
деб аталувчи касб өгалари шу
оддий тошларни тадқиқ қила-
кила, руда конларини топишиди.
Сунг конлар қазилди, руда
майдаланди, тозаланди, эритилди,
қарабисизки, металл пайдо
булиб турибида.

Теварак-атрофингизга бир на-
зар солинг. Қайга боқманг
хайрат! Момақалдирилар
сувдан оловни сугуриб олади-
ларда, уни симларда оқизиб,
шифтлардаги чироқларни ёкиши-
га, овқат пиширишга, мотор юр-
гизишига мажбур қиласидар.

Энди «сехргар»лар оламига
биргаликда саёҳат қилиб, ҳунар-
нинг муҳтасар тарихи баёнига
тухталамиз.

ЗЕВСНИНГ ФАЗАБИ

Кукда қора булатлар карво-
ни шитоб билан сузди. Момо-
қалдирик гумбурлайди. Чақин
чақади. Утмиша бу товушни
эшитган одамлар дарҳол срга
тиз чукиб, ибодат қилишган.

Асрлар утди. Одамлар табиат
сиirlарини ўрганишига интила
бошладилар ва охир-оқибат
яшиннинг электр зарядлари тўқ-
напуви эканини аниқладилар.
Катта-катта бинолар томига од-
дий металл симлар ўрнатилди.



Натижада минглаб даража ис-
сиқликда қолган электр заряд-
лари энг аввало баландда қал-
қиб турган симга урилиб, срга
тиз кетаверади. Шундай йул
билан ёнгилларни келтириб чи-
кариб, одамларни ваҳимага со-
ладиган яшиндан сақланиш йу-
ли топилди.

Сизларга яхши маълумки,
яшин чақнаганда «қисқа тұқна-
шув», яни мусбат ва манфий
зарядлар тұқнашуви юз беради.
Одамлар мана шу ҳолни аниқ-
лагач, таъбир жоиз бўлса, Зевс
худосининг «газаби»ни қутига

жойлай олдилар, яни пайва-
ндловчи аппарат яратдилар...

ОНАМ ХОТИРАЛАРИДАН

Тошканда хабар тарқалди:
Нима эмиш, Урусиядан бир
мис қумгон олиб келишибди,
ичига олов солсанг, сув бир
пасда қайнаркан. Кейин паст-
даги жўмрагини чапга бураса-
нг, қайноқ сув оқиб тушаве-
раркан.

Шу мўжизани бир курсам,
деб армон қилдим.

Аzonда туриб қайнотамни-
нг отхонасини тозалайман,
қайнонамга таҳорат суви
тайёрлайман. Бир куни улар
мендан нима олиб беришса
хурсанд булишимни сўраши.

— Шу... узи қайнайдиган
кумғон бор экан. Нишонхўжа
эшон бувамнинг келини айт-
ди, — дедим каловланиб.

— Ҳа, исми борми узи?
Майли, майли, — деб қўйди-
лар қайнотам.

Орадан ярим йил утгачги-
на самовар сотиб олишнинг
удласидан чиқдик, номини ҳам
билиб олдик.

Акбар ЮНУСОВ.

ШЕКСПИР БИЛАН ЎЙНАМА

— Углим, негадир
«шайтон» деган ярамас сўз-
ни кўп ишлатадиган бўлиб
қолдинг-а, — деда углини койи-
ди онаси.

— Ойжон, бу сўзни Ше-
кспир ҳам жуда кўп ишлатади-
ди, — деди ўзини оқлаш учун
үгли.

— Үндай бўлса, Шекспир
билан ўйнама...



ТАРИХИЙ ВОҚЕА

— Дада, бир вақтлар сизни
гимназиядан ҳайдашган экан,
шу гап ростми?

— Рост, нега сўрайсан?

— Чунки мана шундай та-
рихий воқеа менинг ҳаётим-
да ҳам содир бўлди.

МАҚТОВ

— Ойи, бугун менинг ўқитув-
чимиз роса мақтадилар, —
деди Собир хурсанд бўлиб.

— Қани айт-чи, нима деб
мақтадилар, — сўради онаси.

— Ҳаммаларинг тентаксиз-
лар, Собир эса энг биринчи
тентак, дедилар.

**Тўпловчи: Кидирбой
ТўЛЕБОЕВ.**

ХУНАРМАНД – СЕХРГАР

...Кўзбойлогичта офарин!
У дастлаб томошабинларга
бир бўш қутини кўрсатди. Сунг уни срга қўйиб, устини
рўмёл билан ёпди. Қандай
сузларни шивирлаб, рўмёлни ол-
ган эди, ҳозиргина бўм-бўш
турган қутини ичидан турфа рў-
мёллару қоғозлар, ҳатто кабу-
тарлар ҳам галалаб учиб чиқа
бошлади.

Ҳайратланган томошабин-
лар кўзбойлогични олқишилар-
га кўмб ташлаши.

Хўш, энди сухбатимиз мав-
зуси булмини ҳунарманд уста-
ларимизга қайтсан. Уста дара-
хти қирқади, арралайди, ран-
далайди, бўяйди... Қарабисизки,
битта дарахт ичидан ром,
эпик, сандик ва қутилар қа-
тор-қатор чиқиб келаверади...

Тахрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙУЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерида терилида ва
саҳифалари. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0578.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишига топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзиллар: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон:
33-44-25

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**